

САВОЛ: Куръони Каримда хамма жуфти билан яратилгани хакида хабар бор.

1. Хамманинг жуфти бир аёлга бир эркакми? Ёки бир эркакники битта аёл, бошқасиники иккинчи аёли ва хоказоми?

2. Масалан, бир эркак аёлга уйланди ва ажрашдилар. Эркак хам бошқасига уйланиб кетди. Айтинг-чи, улар бир-бирларига вақтинча жуфт эдиларми? Ўзи умуман, бир эркакка бир аёл умрининг охиригача жуфт бўлиб қоладими ёки вақтинча жуфт бўлиб туриши хам мумкинми?

ЖАВОБ: Бисмиллахи рохманир рохийм.

ХАР НАРСА ЖУФТ ЯРАТИЛГАН

Қадимдан маълумки, хайвонларда хам, ўсимликларда хам жуфтлик бор. Куръони Каримда ўсимликлар хакида шундай дейилади:

«Улар ерга карамайдиларми?! Унда серунум жуфтлардан канчаларини ундириб қўйибмиз» (Шуаро сураси, 7-оят).

Инсон ва хайвонлар хакида эса шундай дейилади:

«У осмонлару ерни йўқдан бор қилувчидир. У сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратди. Чорва хайвонларини хам жуфт қилиб яратди» (Шууро сураси, 11-оят).

Куръони Каримда шу билан қифояланиб қолинмайди, балки дунёдаги барча нарсаларда жуфтлик борлиги таъқидланади:

«Ва хар бир нарсадан жуфтлар яратдик» (Зарийат сураси, 49-оят).

Келинг, шу ҳақда бир оз тўхталиб ўтсак.

Маълумки, электр токи Куръони Каримдан бир неча асрлар кейин кашф этилди. Унда манфий ва мусбат зарядлар бўлиб, ана шу зарядларнинг бирлашувидан электр токи ҳосил бўлади. Энди буни қўйиб туриб, энг қичкина нарса – атом хакида сўз юритайлик. Олимларнинг аниқлашича, атомнинг маркази бўлиб, унинг атрофида электронлар бор экан. Электронларда эса манфий заряд, марказда мусбат зарядлар мавжудлиги аниқланди. Тажрибалар давом эттирилди, ниҳоят атом марказининг ўзи хам протон ва нейтронга бўлинишини 1932 йили инглиз олими Жеймс Чадвик кашф этди.

Очик қўриниб турибдики, сиз жуфтлик маъносини мутлақо нотўғри талқин қилгансиз. Сизнинг фикрингизда бир эркакка бир аёл тўғри келиши керакми ёки кўпроқ бўлса хам бўлаверадими, деган ҳаёл бор. Бу, албатта, нотўғри. Валлоху аълам.